

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЕВ ЖАСУР ЭРКИНОВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

08.00.06 – Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2021

УДК: 330.43:338.432:631.1(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in economic
sciences**

Атаев Жасур Эркинович

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёнларини эконометрик
моделлаштириш.....3

Атаев Жасур Эркинович

Эконометрическое моделирование процессов производства
сельскохозяйственной продукции.....29

Ataev Jasur Erkinovich

Econometric modeling production processes of agricultural commodities53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works57

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АТАЕВ ЖАСУР ЭРКИНОВИЧ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

08.00.06 –Эконометрика ва статистика

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Урганч – 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Iqt404 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.urdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Досчанов Тангирберген Досчанович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодиев Турсун Шодиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бойхонов Баходир Турсунбоевич
иқтисодиёт фанлари доктори


Етакчи ташкилот:


Тошкент молия институти


Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги илмий даражасини берувчи PhD.03/28.08.2020.I.55.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» апрел соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99 862) 224-67-00; факс: (99 862) 224-57-00; e-mail: info@urdu.uz

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (0-248 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99 862) 224-67-00; факс: (99 862) 224-57-00; e-mail: info@urdu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «8» апрел куни тарқатилди.
(2021 йил «8» апрел даги 4 рақамли реестр баённомаси).




Н.С.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д.


Ш.Б.Рузметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.н., доцент


Б.Рузметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ресурсларнинг чегараланганлиги шароитида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тобора мураккаб муаммога айланиб бормоқда. “Глобаллашув жараёни чуқурлашаётган шароитда қашшоқликни тугатиш, умумий фаравонликни ошириш, 2050 йилга бориб 9,7 миллиард аҳолини тўйдириш лойиҳасини амалга оширишда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш энг кучли восита сифатида қаралмоқда”¹. Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сотиш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Жаҳонда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, турли хил дастаклар билан қўллаб-қувватлаш асосида барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини миқдор ва сифат жиҳатдан қондиришга оид кенг қамровли илмий изланишларга катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнларини ривожлантириш ва унга инновацион усулларни жорий қилиш, рақобатбардошлик, самарадорликни ошириш асосида озиқ-овқат ишлаб чиқариш, табиий ресурс базасини сақлаб қолишнинг устувор йўналишларини белгилаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини математик моделлаштириш асосида такомиллаштириш масалалари бўйича устувор даражада тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида қишлоқ хўжалигини самарали ривожлантириш, мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, хусусан, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш”² каби қатор вазифалар белгиланган. Бу борада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичига инновацион агротехнологияларни қўллаш, соҳада ер майдонининг оптимал ҳажмини асослаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг даврийлик хусусиятлари ва мавсумийликни текислаштириш ҳамда ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантириш асосида эконометрик моделларни самарали қўллаш юзасидан илмий изланишларни янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–

¹ <https://www.worldbank.org/en/topic/agriculture/overview>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.

2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий давлатларда қишлоқ хўжалиги, соҳада маҳсулот етиштириш жараёнлари ва унда қатнашувчи субъектлар фаолияти, таъсир қилувчи омиллари кўпгина олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Жумладан, Хиужуан Ванг, Жилиан Ху, С.А.О. Угвумба, С.Мурфи, М.Винтер, М.Лоблей, Иоан Батрансеа, Иоан-Дан Морар, Эма Маска, Сабау Каталин, Ливиу Бечис, Эмил Ставрев, Георгуи Комбуров, Хосе Алберто Молина, Ана Изабел Гил, Жон С. Бегин, Жин-Кристофер Бурейу, София Дрогуэ³ ва бошқалар илмий изланишларида мазкур масалалар тадқиқ қилинган.

МДХ олимларидан Кравченко Р.Г., Каштаева С.В., Цвиль М.М., Шумилина В.Е., Синельников В.М., Корсун Н.Ф., Марков А.С., Подашевская Е.И., Ерешко Ф.И., Меденников В.И., Кульба В.В., Носонов А.М., Иванова И.А., Савкин В.И., Нам М.А., Байдаков А.А., Муратова Л.Г., Сальников С.Г., Горбачев М.И.⁴ асарларида қишлоқ хўжалигида иқтисодий жараёнларни

³Xiujuan Wang, Jilian Hu (2016) Research on the Development of Rural Family Farm: A Case Study of Shandong Province in China. *Agricultural Science*. № 7, p. 196-205; С.А.О. (2013) Ugwumba Socioeconomic factors influencing the saving efforts of smallholder farmers in Anambra state, Nigeria. *Agricultural Advances* 2(10) p. 281-287; Murphy, S (2012) *Changing Perspectives: Small-scale farmers, markets and globalization* (revised edition), ПЕД/Hivos, London/The Hague; Winter, M. and Lobley, M. (2016) Is there a future for the small family farm in the UK? Report to The Prince’s Countryside Fund, London: Prince’s Countryside Fund. ISBN 978-902746-36-7; Ioan Batrancea, Ioan-Dan Morar, Ema Masca, Sabau Catalin, Liviu Bechis (2018) *Econometric Modeling of SME Performance. Case of Romania*. *Sustainability* №10, 192; doi:10.3390/su10010192, Emil Stavrev, Gueorgui Kambourov (1999) Estimation of income, Own and Cross-price Elasticity. An Application for Bulgaria. *Transition Economics Series* №6; Jose Alberto Molina and Ana Isabel Gil (2005) The demand behavior of consumers in Peru: The demographic analysis using the QUAID. *The Journal of Developing Areas*. Vol. 39. №1; John C. Beghin, Jean-Christopher Bureau and Sophie Droque The Calibration of Incomplete Demand Systems in Quantitative Analysis. Working Paper 03-WP 324. January 2003. Center for Agricultural and Rural Development. Iowa State University.

⁴ Кравченко Р. Г. Математическое моделирование экономических процессов в сельском хозяйстве. – М.: Колос, 2009. – 424 с.; Каштаева С.В. Моделирование экономических процессов в АПК: Учебно-методическое пособие / ФГБОУ ВПО «Пермская ГСХА». – Пермь: Изд-во ФГБОУ ВПО «Пермская ГСХА», 2012. – с.; Цвиль М.М., Шумилина В.Е. Эконометрический анализ и моделирование в сельском хозяйстве// Инженерный вестник Дона, №4 (2014).; Синельников В.М., Корсун Н.Ф., Марков А.С., Подашевская Е.И. Моделирование и оптимизация агропромышленном комплексе. Курсовое проектирование: учебно-методическое пособие. Минск: БГАТУ, 2015 – 156 с.; Ерешко Ф.И., Меденников В.И., Кульба В.В. Моделирование сценариев цифровизации сельского хозяйства// XIII Всероссийское совещание по проблемам управления ВСПУ, Москва 17-20 июня 2019 г.; Носонов А.М. Циклично-генетические закономерности инновационного развития сельского хозяйства России/ Носонов А.М.// Журн. экон. теории. – 2015. – №1. – С. 89–96.; Иванова И.А. Прогнозирование экономических рисков в сельском хозяйстве с учетом цикличности его развития/ Иванова И.А.// Вестн. НГУЭУ. – 2013. – №4. – С. 229–238.; Савкин В.И. Развитие экологического менеджмента в аграрном секторе экономики: теория, методология, практика: автореф. дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.05 / Савкин В.И. – Орел, 2011. – 51с.; Нам М.А. Стратегическое прогнозирование предпринимательской деятельности

математик моделлаштириш, эконометрик таҳлил ва моделлаштириш, иқтисодий таваккалчиликларни прогнозлаш каби масалалар ҳамда уларнинг ечими ёритиб берилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Гулямов С.С., Шодиев Т.Ш., Абдуллаев Ё.А., Махмудов Н.М., Беркинов Б.Б., Бегалов Б.А., Досчанов Т.Д., Рузметов Б.Р., Салаев С.К., Абдулаев И.С., Нигмаджанов У., Мухитдинова У.С., Жумаев И.К., Хужакулов Х.Д., Хўжаев А.С.⁵ ва бошқалар илмий изланишларида эконометрик моделлаштириш, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ва иқтисодий жараёнларни моделлаштириш, мавсумий тебранишларни прогнозлаш, хўжаликлар ривожланиш тенденция ва истиқболларини эконометрик башоратлашнинг назарий-услубий ҳамда илмий-амалий муаммолари тадқиқ этилган.

Бироқ мазкур тадқиқотларда, умуман қишлоқ хўжалиги ва маҳсулот етиштириш жараёнларининг ривожланиш ҳолати кенг ёритиб ўтилган бўлишига қарамасдан, бугунги жаҳон иқтисодиётидаги циклик, мавсумий ҳамда нарх тебранишлари, шу билан бирга, озиқ-овқат барқарорлиги ва хавфсизлиги масаласи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини ошириш кун тартибига чиққан бир пайтда уларни яхлит бир тизим сифатида таҳлил қилиш ҳолатлари ва муаммога комплекс ёндашиш масалалари етарлича ўрганилмаганлиги бу борада эконометрик ва статистик усуллар асосида чуқур илмий изланишлар олиб боришни тақозо этиши мазкур мавзунинг тадқиқот иши сифатида танланишига асос бўлди.

молочно-продуктовом подкомплексе АПК: дис. ...канд. эк. наук: 08.00.05 / Нам М.А. – СПб., 2014. – 118 с.; Байдаков А.А. Прогнозирование структурных изменений развития аграрного предпринимательства: дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05 / Байдаков Александр Андреевич – Ставрополь, 2016. – 239 с.; Меденников В.И., Муратова Л.Г., Сальников С.Г., Горбачев М.И. Экономико-математическое моделирование сценариев информатизации сельского хозяйства// Международный сельскохозяйственный журнал. 2018. №4. С. 23-27.

⁵Gulyamov S.S., Abdullaev A.M., Olimjonov A.U. Vaqtli qatorlarning statistik tahlili va mavsumiy tebranihlarni prognozlashtirish. /B.To'rayevning umumiy tahriri ostida. –Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 284 bet; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис. ...док. экон. наук. Т. 1988. – 380 с.; Абдуллаев Ё.А. Статистика назарияси. Дарслик, -Т.: Ўқитувчи, 2002. – б. 592.; Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопка перерабатывающих отраслей: Автореф. дисс. ...док. эк. наук. -Т.: ТГЭУ. 1993. - 36 с.; Беркинов Б.Б. Моделирование систем ведения сельского хозяйства. - Т.: Фан, 1991.; Бегалов Б.А. Ахборот коммуникациялар бозорининг шаклланиши ва ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш. иқт.фан.док.дисс. –Т.: ТДИУ. 2001. – 330 б; Досчанов Т.Д. Экономико-экологические основы производства и применения продукции химической промышленности в АПК. дисс. на соис. докт. экон. наук. Т.: 1990. – 405 с. , Рузметов Б.Р. Комплексное развитие региона в условиях углубления экономических реформ. Автореф. дисс. ...док. эк. наук. -Т.: 1998. - 39 с.; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш. иқт.фан.док. дисс. -Т.: ТДИУ. 2008. - 298 б., Абдуллаев И.С. Минтақавий иқтисодий тизимни оптимал тартибга солишнинг механизмларини такомиллаштириш. иқт.фан.док. автореф. – Т.: ТДИУ. 2017. – 66 б., Нигмаджанов У. Проблемы трансформации и функционирования АПК Узбекистане в переходный период к рыночной экономике. Автореф. дисс. ... док. эк. наук. - Т.: - 2002., Мухитдинова У.С. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари бозорини ривожлантириш йўналишлари. Иқт.фан.док. илм. дар. олиш учун ёзилган дис. автореф. – Т.: 2010 – б. 36. Жумаев И.К. Фермер хўжаликлари ривожланиш тенденциялари ва истиқболларини эконометрик башоратлаш. Иқт.фан.док. илм. дар. олиш учун ёзилган дис.автореф. – Т.: 2011 – б.43.; Хужакулов Х.Д. ва б. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш шароитида таркибий ўзгаришларнинг самарали йўлларини статистик методлар асосида ишлаб чиқиш. Монография. Т.: Навруз, 2018 - 206 бет., Хўжаев А.С. мева сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари фаолиятининг иқтисодий-статистик таҳлили. Фалсафа доктори (PhD) илм. дар. олиш учун ёзилган дис. Автореф. – Т.: 2019 – б. 26.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Урганч давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-2-87 “Худудий иқтисодий тизим ривожланишини прогноз қилишда комплекс сонли моделларни ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнларини моделлаштириш асосида устувор йўналишларини аниқлаш ва барқарор ривожлантириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат занжири инфратузилмаси бўйича омилларни ўрганиш натижаларига асосланиб, қўшилган қиймат занжири инфратузилмасига кирувчи компонентлар тизимини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигида ер ва ишчи кучи ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг кўп омилли эконометрик моделлар ёрдамида оптимал усулларини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда мавсумий циклларни эконометрик моделлаштириш усулларини такомиллаштириш, мавсумий тебранишларнинг субъектлар даромадига таъсирини баҳолаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришнинг кўп вариантли эконометрик моделлар асосида истиқболдаги йиллар учун прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва уларни етиштириш жараёнида қатнашувчи субъектлар олинган.

Тадқиқот предметини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, экспертлар усули, иқтисодий-статистик таҳлил, қиёсий таҳлил, социологик сўровнома, регрессион ва корреляцион таҳлил, SWOT таҳлил, эконометрик моделлаштириш каби усуллардан самарали фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат занжири инфратузилмасига кирувчи компонентлар тизими ишлаб чиқилган ҳамда ақлли агро қўшилган қиймат занжири харитаси (smart agri value chain mapping) ва маълумотлар платформасини шакллантириш механизми таклиф қилинган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектларнинг ривожланиш даражаси, таъсир қилувчи омиллари, истиқболли

йўналишларини анкета сўрови натижалари logit ва probit моделлари ёрдамида асосланган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги мавсумий тебранишлар детерминистик модел, даврийлик хусусиятлар Фурье қаторлари ёрдамида тизимлаштирилган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнларини барқарор ривожлантириш сценарийлари ҳамда муҳим индикаторлари (етиштирилган маҳсулот миқдори) истиқболдаги 2021–2025 йилларга прогноз кўрсаткичлари кўп вариантли эконометрик моделлар асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат занжири харитасининг маълумотлар платформаси таклиф қилинган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришнинг турли вазиятларга мос келувчи эконометрик моделлари ишлаб чиқилган ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда детерминистик моделлар ёрдамида мавсумий тебранишлари ва даврийлик хусусиятларининг салбий оқибатларини камайтириш юзасидан таклифлар асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган ёндашув, хусусан, миқдорий усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси даврий ҳисоботларидан олинганлиги, келтирилган таҳлил ва тажриба-синов ишлари самарадорлиги тадқиқотчи томонидан ишлаб чиқилган ва қўлланилган анкета сўровномалари, эконометрика ва статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш тенденцияларини аниқлаш, омиллар ва мавсумий тебранишлар таъсирини баҳолаш ҳамда истиқболдаги кўрсаткичларини асослаш бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсияларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқиш жараёнларини эконометрик моделлаштиришнинг услубий-назарий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациядаги статистик усуллар ва эконометрик моделлар, таклиф ва хулосалардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнларини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли давлат, минтақавий дастурларни ишлаб чиқиш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, мавсумий тебранишнинг субъектлар даромадига таъсирини баҳолаш ҳамда олий ўқув юртларида “Статистика ва эконометрика” фанларини ўқитишда ва соҳага

оид илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёнларини эконометрик моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат занжири инфратузилмасига кирувчи компонентлар тизими ҳамда ақлли агро қўшилган қиймат занжири харитаси (smart agri value chain mapping) ва маълумотлар платформасини шакллантириш механизминини ишлаб чиқиш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 18 февралдаги 04/022-661-сон маълумотномаси). Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнлари бўйича тезкор, ишончли ва бирламчи маълумотларни олиш имкониятини яратган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектларнинг ривожланиш даражаси, таъсир қилувчи омиллари, истиқболли йўналишлари, анкета сўрови натижаларини logit ва probit моделлари ёрдамида асослаш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 18 февралдаги 04/022-661-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчининг барқарор ривожланишини таъминлаш йўналишларини белгилашда фойдаланиш имкониятини яратган;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдаги мавсумий тебранишларни детерминистик модел, даврийлик хусусиятларини Фурье қаторлари ёрдамида тизимлаштириш бўйича берилган таклиф Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 18 февралдаги 04/022-661-сон маълумотномаси). Мазкур таклифдан фойдаланиш мавсумий тебранишларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнларини барқарор ривожлантириш сценарийлари ҳамда муҳим индикаторлари (етиштирилган маҳсулот миқдори)нинг келгусидаги прогноз кўрсаткичларини кўп вариантли эконометрик моделлар асосида ишлаб чиқиш бўйича берилган таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 18 февралдаги 04/022-661-сон маълумотномаси). Мазкур прогноз натижалари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 4 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 10 та мақола (6 та республика ва 4 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, мақсади ва вазибалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг “**Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёнларини эконометрик моделлаштиришнинг илмий-назарий ва услубий асослари**” деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёнларини моделлаштиришнинг илмий, назарий ва услубий асослари, маҳсулот етиштирувчиларнинг ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий асосларининг шаклланиши, қишлоқ хўжалигида моделлаштириш жараёнлари, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришнинг хорижий тажрибалари ривожланиш босқичлари тадқиқ қилинган.

Иқтисодий ҳамда эконометрик моделлаштириш, шунингдек, статистик ва математик моделлаштириш орасидаги фарқлар очиб берилган, яъни математик модел аниқлик хусусиятига эга бўлса, статистик модел “тасодифий микдор”ларни ҳам қамраб олади. Шунингдек, иқтисодий эмпирик тадқиқотлар, бошқа ижтимоий ва ҳулқ-атвор фанларида кенг қўлланиладиган, доминантлик хусусиятига эга бўлган анъанавий ҳамда классик эконометрик методология ва унинг босқичлари келтирилган (1-расм).

АНЪАНАВИЙ ЭКОНОМЕТРИК МЕТОДОЛОГИЯ БОСҚИЧЛАРИ

1. Назария ва гипотезанинг қўйилиши.
2. Назарияга мос математик моделни танлаш.
3. Статистик ёки эконометрик моделни танлаш.
4. Маълумотга эга бўлиш.
5. Эконометрик модел параметрларини аниқлаш.
6. Гипотезаларни текшириш.
7. Прогнозни амалга ошириш.
8. Назорат ёки иқтисодий сиёсатни белгилаш учун моделдан фойдаланиш.

1-расм. Анъанавий эконометрик методология босқичлари⁶.

Эконометрик моделлаштиришни амалга оширишдаги муҳим бўлган регрессион таҳлил усулида, хусусан, чизиқли ва ночизиқли регрессион таҳлилни амалга ошириш масалалари ўрганилган. Чизиқли ва ночизиқли регрессион таҳлилни таснифлаш мос равишда чизиқли ва ночизиқли моделларни аниқлашга асосланган. Шу билан бирга, чизиқли ҳамда ночизиқли модел тушунчалари келтирилган, яъни агар эркин ўзгарувчининг ҳар бир

⁶ David F. Hendry, Dynamic Econometrics, Oxford University Press, New York, 1995. See also ArisSpanos, op. cit.

параметри $\beta_1, \beta_2, \dots, \beta_k$ бўйича хусусий ҳосиласи параметрларга боғлиқ бўлмаса, унда модел чизиқли, акс ҳолда, ночизиқли модел ҳисобланади.

$$y = \beta_1 X_1^2 + \beta_2 \sqrt{X_2} + \beta_3 \log X_3 + \varepsilon$$

Юқорида келтирилган модел чизиқли модел ҳисобланади, чунки $\partial y / \partial \beta_i$ ($i=1,2,3$) параметрларга боғлиқ эмас, бошқа томондан эса

$$y = \beta_1^2 X_1 + \beta_2 X_2 + \beta_3 \log X_3 + \varepsilon$$

ночизиқли модел дейилади, чунки $\partial y / \partial \beta_1 = 2\beta_1 X_1$ бўлиб, β_1 га боғлиқ, аммо $\partial y / \partial \beta_2$ ва $\partial y / \partial \beta_3$ эса $\beta_1, \beta_2, \beta_3$ параметрлардан холи ҳисобланади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида хусусий секторни ривожлантириш, ҳуқуқий асосларини шакллантириш босқичма-босқич амалга оширилди, натижада фермер ва деҳқон хўжаликлари асосий маҳсулот етиштирувчилар сифатида шаклланди. Илмий тадқиқот ишида ушбу жараён шартли равишда беш босқичга ажратилган ҳолда ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштирувчи субъектлар ривожининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш босқичлари⁷

№	Босқичлар	Ҳуқуқий асослар ва ўзига хос хусусиятлари
1	1-босқич (1989-1992 йй.)	Хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан самарадорлигининг намоён бўлиш даври.
2	2-босқич (1993-1998 йй.)	Жамоа ва совхоз хўжаликлари ўрнида ширкат хўжаликлари, агрофирмалар ва қисман фермер хўжаликларини ташкил этиш. Аҳолининг жамоа ва хусусий мулк тўғрисидаги тасаввурларини шакллантириш даври.
3	3-босқич (1998-2008 йй.)	“Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши, жамоа ва ширкат хўжаликларини тугатиш, улар негизида тўлиқ фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш даври.
4	4-босқич (2008-2015 йй.)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқувчи махсус комиссияни ташкил этиш тўғрисида” ги Ф-3077-сонли фармойиши, 2010 йил 18 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-3512-сонли фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 декабрдаги “Фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорининг қабул қилиниши ҳамда фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдонларини оптималлаштириш асосида уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш даври.
5	5-босқич (2016 йилдан кейинги давр)	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016–2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини қайта шакллантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сонли қарори, 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5199-сонли фармони, мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3318-сонли қарорининг қабул қилиниши ва кўп тармоқли фермер хўжаликлари, кластерларни шакллантириш асосида уларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқишдаги ролини ошириш ҳамда тор маънодаги ихтисослашишдан воз кечиш даври.

⁷ Муаллиф ишланмаси.

Бугунги кунда ушбу йўналишдаги ишлар давом эттирилиб, фермер хўжаликлари фаолиятини кенгайтириш, кўп тармоқли фермер хўжаликлари сонини ошириш, кластерларни ташкил қилиш масалаларига эътибор қаратилмоқда. Деҳқон ва фермер хўжаликлари таркибини такомиллаштириш, фаолият самарадорлигини ошириш, мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, энг муҳими, янги инновацион агротехнологияларга таянган ҳолда иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш кейинги босқичнинг энг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Келтирилган вазибаларни самарали амалга оширишда аниқ рақамларга таяниш, иқтисодий таҳлилдаги асосий усул – эконометрик моделлаштиришдан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалигида моделлаштиришнинг тадрижий ривожланиш босқичлари тадқиқ қилинган ва шартли равишда куйидаги босқичларга ажратган ҳолда қараб чиқиш мақсадга мувофиқ деб топилди (2-жадвал).

2-жадвал

Замонавий қишлоқ хўжалигида моделлаштиришнинг тадрижий ривожланиш босқичлари⁸

№	Босқичлар	Босқичнинг номланиши
1	1950–1960 йй.	Фан ва тараққиёт пойдеворининг пайдо бўлиши даври
2	1960–1970 йй.	Экология ва сиёсий эҳтиёжларни аниқлаш даври
3	1970–1980 йй.	Сунъий йўлдош ва ахборот технологияларидан фойдаланишнинг кучайтирилиши даври
4	1980–1990 йй.	Шахсий компьютер ва интернет инқилобининг бошланиш даври
5	1990–2000 йй.	Тизим моделларни қўллашнинг кенгайиши даври
6	2000–2010 йй.	Барқарор қишлоқ хўжалиги ҳаракатининг бошланиш даври
7	2010–2020 йй. ва кейинги ўн йиллик	Асосий эътиборнинг озиқ-овқат хавфсизлиги ва қашшоқликка қаратилиш даври

Соҳада тадқиқот олиб борган олимларнинг илмий изланишлари натижаларига кўра, замонавий қишлоқ хўжалигида моделлаштириш тарихи турли мақсадларда моделларни ишлаб чиқиш ва ишлатишга ундаган бир қатор муҳим воқеалар, сабаблар, лойиҳалар ва дастурлар билан тавсифланади. Жаҳонда қишлоқ хўжалигининг кейинги даврдаги ривожланишини таъминлашга оид дастурлар лойиҳаларни инобатга олган ҳолда соҳада моделлаштиришнинг шаклланиш ва тадрижий ривожланиш босқичларини декадаларга ажратган ҳолда таҳлил қилинган.

Шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва бу жараёнларни моделлаштиришнинг хорижий тажрибалари ҳам ўрганилди.

Диссертациянинг “**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнига таъсир қилувчи омилларни таснифлаш**” деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнларининг қиёсий, статистик таҳлили амалга оширилган, SWOT таҳлил асосида маҳсулот етиштириш жараёнига таъсир қилувчи омиллар таснифи ишлаб чиқилган ва

⁸ Муаллиф ишланмаси.

олинган натижалар асосида ақлли агро қўшилган қиймат занжирини шакллантириш механизми таклиф қилинган. Анкета сўров натижалари асосида маҳсулот етиштириш билан боғлиқ муаммолар аниқланган, logit ва probit моделлар асосида ушбу муаммоларнинг таъсир даражалари баҳоланган.

Тадқиқот жараёнида аниқланишича, қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотнинг 2020 йил маълумотларига кўра 49,5 фоизи деҳқончилик, 50,5 фоизи чорвачилик маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бироқ ушбу маҳсулотларни етиштиришда товар ишлаб чиқарувчи субъектлар улушидаги фарқлар ҳамда номутаносибликни кузатиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Товар ишлаб чиқарувчилар кесимида қишлоқ хўжалиги деҳқончилиги ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби (фоизда)⁹

Йил-лар	Фермер хўжалик-лари	Деҳқон (шахсий ёрдамчи хўжалик-лар)	Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	Фермер хўжалик-лари	Деҳқон (шахсий ёрдамчи хўжалик-лар)	Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар
	Деҳқончилик			Чорвачилик		
2000	9,7	43,9	46,4	1,3	89,7	9,0
2005	41,6	37,1	21,3	2,7	92,6	4,7
2010	59,1	39,4	1,5	3,9	93,1	3,0
2015	52,0	46,2	1,8	4,0	92,9	3,1
2020	50,9	44,1	5,0	5,1	91,4	3,5

Хусусан, кам миқдорда ресурсларга эга бўлган деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларнинг деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришдаги улуши юқори, чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда эса янада юқори – 90 фоиздан ошиқлигича қолмоқда. Бу эса, ўз навбатида, катта ҳажмдаги ер ва бошқа ресурсларга эгалик қилувчи, асосий маҳсулот етиштирувчи сифатида шаклланаётган фермер хўжаликлари улушини жадал ошириш масаласини қараб чиқиш лозимлигини асослайди.

Ҳукуматимиз томонидан рақобатбардош мева-сабзавотчилик тармоғида қўшилган қиймат занжири инфратузилмасини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини инобатга олган ҳолда, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш жараёнига таъсир қилувчи омилларни такрор ишлаб чиқариш босқичлари бўйича уч босқичда қараб чиқиш таклиф қилинган.

✚ Биринчи босқичда маҳсулот етиштиришдаги асосий субъектлар ҳисобланган фермер ва деҳқон хўжаликлари фаолиятини ташкил қилишга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

✚ Иккинчи босқичда бевосита маҳсулот етиштириш жараёнига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва маълум мезонлар асосида гуруҳлаш;

✚ Учинчи босқичда қишлоқ хўжалиги тармоғига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Фикримизча, маҳсулот етиштириш жараёнига таъсир қилувчи омилларни мазкур босқичлар асосида таҳлил қилиш вазиятга яхлит бир тизим сифатида қараш, таҳлиллардаги мукамаллик, натижалар ишончлилигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, омилларни аниқлаш, таъсирини баҳолашда дедуктив ва индуктив усуллардан фойдаланиш имкониятини яратади.

Қўшилган қиймат занжири инфратузилмаси бўйича омилларни ўрганиш натижаларига асосланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда қўшилган қиймат занжири инфратузилмасига кирувчи компонентлар тизими ишлаб чиқилди ва бу янги ёндашувларга таянган ҳолда ақлли агро қўшилган қиймат занжири харитаси ва маълумотлар платформасини шакллантириш механизми таклиф қилинди (3-расм).



3-расм. Ақлли агро қўшилган қиймат занжири харитаси ҳамда қишлоқ хўжалиги маълумотлар базаси электрон платформаси¹⁰

Ушбу харита маҳсулот етиштириш босқичларини тўлиқ қамраб олиб, ҳар бир босқичга ақлли инновацион агро технологияларни қўллаган ҳолда меҳнат ва унинг самарадорлиги, селекция ва генетика, таъминот, чорвачилик ва деҳқончилик, тақсимот ва қайта ишлаш, ички таъминот, экспортни ташкил қилиш ва ақлли агро қўшилган қиймат занжири харитасини шакллантиришга хизмат қилади. Харита ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичини кадрлар ва хомашё билан таъминлаш ишлаб чиқилган маҳсулотни кейинги босқичга ўтказиш жараёнини оптималлаштиришни таъминлайди. Ақлли агро

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.

технологиялардан фойдаланиш ишончли ва бирламчи электрон маълумотлар базасини шакллантиришга ёрдам беради.

Тадқиқот иши бўйича жами олти қисмдан иборат анкета сўровлари ўтказилган бўлиб, унинг бешинчи қисми бевосита қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнида субъектлар фаолиятини ривожлантириш масаласи ва муаммоларига қаратилган. Унга кўра, 53,7 фоиз респондент субъектлар фаолияти ривожини ўртача, 25,6 фоизи эса яхши, 17,4 фоизи паст деб баҳолаган ва маҳаллий бюрократик тўсиқлар, қишлоқ жойларида инфратузилманинг мавжуд ҳолатини асосий муаммолар сифатида кўрсатган. Бу маҳсулот етиштириш жараёнида субъектлар фаолияти ривожини, асосан, қониқарли деб қарашга асос бўлади (4-жадвал).

4-жадвал

“Маҳсулот етиштириш жараёнида субъектлар фаолияти ривожидagi асосий муаммолар нималарда деб ўйлайсиз?” деган саволга респондентлар жавоблари¹¹

№		Сони	Улуши
1.	Қишлоқ жойларида инфратузилманинг яхши ривожланмаганлиги	34	18,0
2.	Малакали кадрларнинг етишмаслиги	28	14,8
3.	Табиий монополиянинг мавжудлиги	17	9,0
4.	Малакали ишчи кучи миграциясининг юқорилиги	17	9,0
5.	Маблағ етишмаслиги	32	16,9
6.	Маҳаллий ва бюрократик тўсиқлар	40	21,2
7.	Ички ва ташқи бозорларнинг яхши ривожланмаганлиги	21	11,1
8.	Бошқалар	0	0
	Жами:	189	100,0

Анкета сўрови натижаларига кўра, ўртача 9 гектар майдонга битта доимий ишчи тўғри келади, қолган қисми эса оила аъзолари ҳамда мавсумий ишчилар эвазига қопланмоқда. Бу ҳолатнинг маҳсулот етиштириш самарадорлигига таъсири Eviews дастури асосида кўриб чиқилди ва натижалар 5-жадвалда келтирилди. Дастур асосида аниқланган турли тест натижалари коэффицентлар адекватлигини кўрсатмоқда ва улардан таҳлилларни амалга ошириш ҳамда хулосалар чиқаришда фойдаланиш имкониятини асосламоқда.

$$P = \frac{e^{-1.33+0.09X_{workperm}}}{1 + e^{-1.33+0.09X_{workperm}}} \quad \text{ёки} \quad \ln\left(\frac{P}{1-P}\right) = -1.33 + 0.09X_{workperm} \quad (1)$$

Бу ерда: P – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнининг ривожланган бўлиш эҳтимоллиги даражаси; $X_{workperm}$ – хўжаликда банд бўлган доимий ишчилар сони.

¹¹ Муаллиф ишламаси.

Доимий ишчилар сони билан маҳсулот етиштиришни ривожлантириш орасида мусбат боғлиқлик мавжуд, доимий ишчилар сонининг ошиши маҳсулот етиштириш жараёнини ривожлантиради ва ҳажмини оширади. Муаллиф томонидан доимий ишчиларнинг оптимал сонини аниқлаш учун берилган маълумотлар асосида қатор таҳлиллар амалга оширилган.

5-жадвал

Eviews дастури асосида амалга оширилган таҳлил натижалари¹²

Dependent Variable: DEVPRODUCTION				
Method: ML - Binary Logit (Quadratic hill climbing)				
Date: 01/02/21 Time: 20:54				
Sample: 1 121				
Included observations: 114				
Convergence achieved after 3 iterations				
Covariance matrix computed using second derivatives				
Variable	Coefficient	Std. Error	z-Statistic	Prob.
C	-1.333835	0.353253	-3.775865	0.0002
WORKPERM	0.090718	0.036511	2.484657	0.0130
McFadden R-squared	0.047175	Mean dependent var		0.350877
S.D. dependent var	0.479352	S.E. of regression		0.465437
Akaike info criterion	1.269926	Sum squared resid		24.26275
Schwarz criterion	1.317930	Log likelihood		-70.38579
Hannan-Quinn criter.	1.289408	Deviance		140.7716
Restr. deviance	147.7413	Restr. log likelihood		-73.87063
LR statistic	6.969674	Avg. log likelihood		-0.617419
Prob(LR statistic)	0.008290			
Obs with Dep=0	74	Total obs		114
Obs with Dep=1	40			

Келтирилган тенгламалар асосида доимий ишчилар сони ошиши билан унинг маҳсулот етиштириш жараёни ривожига чекли таъсирининг камайиш тенденциясини қараб чиқамиз. Даставвал ўртача кўрсаткичлар таъминланган ҳолатдаги эҳтимоллик даражасини аниқлаймиз. Натижаларга кўра, доимий ишчиларнинг ўртача сони 7,7, яъни 8 киши, ўртача ер майдони 68,4 гектарни ташкил қилади.

Маълум бўлишича, ўртача кўрсаткичлар таъминланган ҳолатда доимий ишчиларнинг маҳсулот етиштириш жараёни ривожига таъсири 35,2 фоизни ташкил қилади. Агар ишчилар сони 8 кишидан 9 кишига оширилса, эҳтимоллик 37,3 фоиз ва чекли таъсир 2,1 га тенг бўлади (6-жадвал).

¹² Муаллиф ишланмаси.

**Доимий ишчилар сонининг маҳсулот етиштириш жараёни ривожига
чекли таъсири натижалари¹³**

	Коэффи- циентлар	Вариантлар							
		8	9	19	20	39	40	59	60
WORKPERM	0.090718								
С	-1.333835	1	1	1	1	1	1	1	1
	$Y^*=\ln(p/(1-p))$	-0,608	-0,517	0,390	0,481	2,204	2,295	4,019	4,109
Эҳтимоллиги	$p=\exp(y^*)/(\exp(y^*)+1)$	0,352	0,373	0,596	0,618	0,901	0,908	0,982	0,984
Чекли таъсир			0,021		0,022		0,007		0,002

Доимий ишчилар сонини оширган ҳолда уларнинг чекли таъсири камайиб боришини қараб чиқамиз. Агар ўртача ер майдони 68,4 гектарга тенг бўлган ҳолатда доимий ишчилар сонини 39 кишига етказсак, эҳтимоллик 90,1 фоизни ташкил қилади ва доимий ишчи сонининг бир бирликка ошиши эҳтимолликни 90,8 га етказди, чекли таъсир 0,7 бирликни ташкил қилади. Бу етарли даражада кичик ўзгариш ҳисобланади ва ҳар бир доимий ишчига тўғри келадиган ўртача ер майдони 1,7 гектарга тенг бўлади.

Агар доимий ишчилар сони 59 кишидан 60 кишига оширилса, чекли таъсир 0,2 бирликка тенг бўлиб, олдингига нисбатан деярли 4 баробарга камаяди ва етарли даражада кичик қийматга эга бўлади. Ушбу ҳолатда ҳар бир доимий ишчига 1,1 гектар ер майдони тўғри келади. Келтирилган таҳлил натижаларига кўра, ўртача миқдорда 1,1 гектардан 1,7 гектаргача бўлган ер майдонига биттадан доимий ишчи тўғри келса, маҳсулот етиштириш жараёнини оптималлаштириш мумкин. Шу билан бирга, қишлоқ жойларида бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш имконияти пайдо бўлади, жойларда иқтисодий-ижтимоий вазият яхшиланади.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш жараёнларини эконометрик моделлаштириш йўналишлари ва истиқболлари”** деб номланган учинчи бобида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда мавсумий цикллarning эконометрик моделлари, мавсумий тебранишларнинг субъектлар реал даромадига таъсирини баҳолаш моделлари ишлаб чиқилган. Маҳсулот етиштиришни барқарор ривожлантириш вариантлари кўп омилли эконометрик моделлар асосида баҳоланган, қиёсий прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган ва қишлоқ хўжалигининг истиқболли йўналишлари асосланган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнлари ривожининг етарли даражада эмаслигини ифодаловчи яна бир кўрсаткич мавсумий тебранишларнинг юқорилигидир. Буни инобатга олган ҳолда, детерминистик модел асосида мавсумийликни текислаштириш учун маҳсулотлар кесимида мавсумий тебранишлар коэффициентлари аниқланди.

¹³ Муаллиф ишланмаси.

$$\Delta y_t^j = \sum_{i=1}^S \delta_i^j d_{i,t} + \varepsilon_{j,t} \quad (2)$$

Бу ерда: δ_i^j – коэффициентлар; $d_{i,t}$ – i мавсум учун ўзгаришни ифодаловчи кўрсаткич; S мавсумлар сони ($S=12$ бизнинг ҳолатимизда); ε_t – исталган стационар стохостик жараён; y_t^j – j қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг t даврдаги логарифмланган нархи; Δ – логарифмланган y_t^j маҳсулот нархининг биринчи даражаси фарқи; Δy_t^j – j маҳсулот нархининг ойлик ўсиш даражаси.

Аниқланган коэффициентлар δ_i^j ойлар кесимида ҳар бир маҳсулот нархидаги мавсумий ўзгариш ва хусусиятларни ифодалайди (7-жадвал).

Натижаларга кўра, маҳсулотлар нархидаги мавсумий ўзгаришларда ўхшаш тенденция мавжуд бўлиб, асосан, уч хил ҳолат кузатилади: баҳор охири ва ёзда, ёз охири ва кузда нарх пасайиши, шунингдек, қишда нарх пасайиши. Мавсумий тебранишлардаги кескин пасайиш июнь ва июль ойларига тўғри келиб, айнан тебраниш юқори бўлган маҳсулотларда аниқ кузатилади.

7-жадвал

Детерминистик модел натижасида аниқланган коэффициентлар¹⁴

	Январь	Февраль	Март	Апрель	Май	Июнь	Июль	Август	Сентябрь	Октябрь	Ноябрь	Декабрь	R ²
Биринчи гуруҳ													
Помидор	0,41	0,25	0,15	-0,03	-0,45	-0,67	-0,89	-0,32	0,19	0,34	0,55	0,60	0,80
Бодринг	0,26	0,12	0,09	-0,27	-0,76	-0,82	-0,32	0,40	0,23	0,29	0,40	0,50	0,75
Иккинчи гуруҳ													
Олма	0,15	0,11	0,11	0,10	0,11	-0,57	-0,46	0,01	0,07	0,10	0,16	0,19	0,73
Нок	0,12	0,14	0,13	0,11	0,15	-0,16	-0,78	-0,11	0,04	0,15	0,18	0,19	0,64
Картошка	0,06	0,05	0,00	0,26	-0,18	-0,28	-0,22	-0,04	0,10	0,13	0,09	0,09	0,56
Учинчи гуруҳ													
Мол гўшти	-0,03	-0,01	0,00	0,01	0,04	0,01	0,06	0,06	0,03	0,01	0,00	-0,04	0,39
Қўй гўшти	-0,02	0,00	-0,01	0,00	0,02	0,02	0,05	0,05	0,02	0,02	-0,01	-0,02	0,38
Сабзи	0,03	0,02	-0,03	0,17	0,34	0,13	-0,27	0,01	0,08	-0,08	-0,27	0,01	0,37
Карам	0,09	0,11	0,01	0,23	0,05	-0,32	-0,13	0,11	0,13	-0,03	-0,14	0,03	0,25
Тўртинчи гуруҳ													
Товук гўшти	-0,02	-0,02	-0,01	-0,01	0,00	0,02	0,02	0,05	0,03	0,03	-0,01	-0,01	0,24
Пиёз	0,04	0,06	0,03	0,08	-0,04	-0,28	-0,04	-0,08	0,02	0,08	0,16	0,05	0,20
Гуруч	-0,02	0,00	-0,01	0,03	0,08	0,07	0,03	0,02	0,00	-0,08	-0,03	0,03	0,15
Тухум	-0,01	-0,06	-0,08	-0,07	-0,02	0,02	0,11	-0,08	0,09	0,09	0,06	0,02	0,11
Сут	0,02	0,01	0,00	0,00	0,00	0,03	-0,06	0,00	0,02	0,03	0,04	0,02	0,11
Асал	-0,05	0,01	0,00	0,00	0,01	0,04	-0,14	0,15	0,01	0,01	0,01	0,05	0,10
Балиқ	-0,01	0,02	0,04	0,01	0,06	0,01	-0,02	0,01	-0,02	-0,03	0,01	0,02	0,10

Ҳар бир маҳсулот бўйича бир йилда неча давр мавжудлиги, унинг давомийлигини аниқлаш мақсадида мавсумий тебранишлар даврийлик асосида

¹⁴ Муаллиф ишланмаси.

детерминистик модел параметрларини Фурье қаторлари ёрдамида даврларга айлантириш усули билан қараб чиқилди. Олинган хулосалар даврийлик хусусияти мавжудлиги ва даврий ўзгаришлар 12 га тенглигини кўрсатмоқда. S мавсумий даврга эга бўлган детерминистик компонентлар гармоник (Фурье) частоталаридаги $\omega_k = 2\pi k / s$, $k = \pm 1, \pm 2, \dots, \pm [s/2]$ алоҳида спектрга эга бўлгани учун коэффициентларни аниқлаш ва даврийлик хусусиятларини топиш учун қуйидаги моделдан фойдаланилди.

$$\Delta y_t = a_0 + \sum_{k=0}^{[s/2]-1} [a_k \cos(2\pi kt / s) + b_k \sin(2\pi kt / s)] + a_{[s/n]} \cos(\pi t) + \varepsilon_t \quad (3)$$

$t = 1, 2, \dots, T.$

Моделдаги a_0 коэффициент узок муддат (циклсиз) ҳолатни ифодалаб, ўртача ўсиш даражасига мувофиқ келади. a_k ва b_k йиллик бир циклнинг даврийлиги билан боғлиқ ва ҳар иккаласи ушбу циклнинг Δy_t ўзгаришига таъсирини ўлчашга хизмат қилади. Умуман олганда, a_k ва b_k йилига k циклга эга бўлган тебраниш мавжудлигини, $a_{[s/n]}$ икки ойда бир циклни ифодалайди.

Тадқиқот натижаларига кўра, маҳсулот етиштиришда мавсумий циклларнинг юқори бўлиши уларга мос равишда бизнес цикллар шаклланишига ҳам сабаб бўлади, чунки иккала цикл орасидаги боғлиқлик ўрганилганда, қуйидаги натижа олинди:

$$\hat{\sigma}_i^n = 0,097 + 0,389 * \hat{\sigma}_i^s + \nu_i \quad (4)$$

se	= (0,022)	(0,091)	
t	= (3,281)	(4,154)	R ² =0,68

Бу ерда: σ_i^n – юқорида аниқланган детерминистик тенгламанинг регрессион хатолиги; σ_i^s – мавсумий ўзгаришларни ифодаловчи коэффициентларнинг ўртача квадратик четланиши.

Цикллар орасида мусбат боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Яъни маҳсулот етиштиришда мавсумий циклларнинг юқори бўлиши субъектлар фаолиятини ташкил қилишда таваккалчилик хатари ошишига сабаб бўлади ва мавсумий бўлмаган (бизнес) циклларни келтириб чиқаради.

Мева-сабзавот маҳсулотларига талабнинг мавсумий тебраниши мавсумий нарх тебранишлари, аҳоли реал даромадлари билан биргаликда қараб чиқилди ва маҳсулот етиштирувчилар даромадига таъсири баҳоланди.

$$\ln(Q_f) = 8,97 - 1,21 * \ln(P_f) + 0,73 * \ln(Y) \quad (5)$$

se	= (0,94)	(0,34)	(0,18)	
t	= (9,51)	(-3,51)	(3,99)	R ² = 0,62

Бу ерда: Q_f – мевага талаб миқдори; P_f – меванинг ўртача нархи; Y – аҳоли реал даромадлари, яъни иқтисодий-ижтимоий кўрсаткич.

